

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ



МЕХНАТ ЗАФАРЛАРИМИЗ УЛУҒ ОКТЯБРГА

МЕХАНИК-ХАЙДОВ- ЧИЛАР СТАРТДА

Йиллик план — 20 СЕНТЯБРДА
МАЖБУРИЯТ — 1 ОКТЯБРДА

Шонли Инқилобнинг 60 йиллик юбилейини катта меҳнат зафарлари билан кутиб олишга астойдил бел боғлаган пойтахт областа пахтакорлари зиммаларига юксак социалистик мажбуриятлар олиб, ҳормай-толмай фидокорона меҳнат қилдилар. Эрта баҳорда юз берган қурғоқчилик ва ёз ойидаги сув танқислиги каби табиий қийинчиликларни мардонавор енгилдилар.

Жумладан, Қуйи Чирчиқ районидagi «Москва» колхоз пахтакорлари ҳам 800 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 36 центнер ўрнига 46 центнердан хирмон кўтариш мажбуриятини олиб, барча қараларда кўнгилдангидек мўл ҳосил еттиришди. Ёнг муҳими, бу йил пахта аввали йиллардаги нисбатан 10—15 кун илгари пишиб етилди. Бинобарин, йилгир-терим ҳам барвақт бошланди, дастлабки «оқ олтин» қарвоналари қабул пунктлари томон йўл олмақда.

Илгир хўжалик пахтакорлари айни кунларда улкан хирмон учун кураш бошладилар. Ҳозир карта четлари, машина қайтадиган майдонлар ва айрим майда қараларда қўл терими жадал олиб борилаётган. Бу ишни тез ва сифатли бажариш учун 300 теримчи қафариб эгилган. Тамара Киборова, Тоҳатгул Гулалиева, Мамашова, Қодирова, Якимла Ойдинова сингари қўлгина теримчилар ҳар кун 100—150 килограммга етказиб пахта териб хирмонга тўкайтирлар.

Колхозда элликцентнерлар ҳаракати кенг қўл очилган. Масалан, Усмонов Алиев бошлиқ бригада аъзолари бу йил ҳосилдорлигини 52 центнерга етказиш учун курашмоқдалар. Аҳмад

Ғофуров, Каромат Ҳожиёва-лар бошлиқ бригада коллективлари ҳам эллик центнер юзасидан олишган мажбуриятни қоплайдиган даражада ҳосил етиштиридилар. Ташаббускорлардан Намуна олган дала гвардиячилари ҳам бу йил мажбурият бўйича етиштириладиган 3600 тонна пахтанинг 3300 тоннасини ўз машиналари бункерларидан тўкишга аҳд қилишган. Бунинг учун 20 та терим машинаси, 4 та подборщик, 6 та қўсақ тарадиган ва 10 та қўсақ чўйилган машина, 45 та прицеп, мудатидан илгари соғланган, сарт майдонига келириб қўйилган.

Машина теримининг унумли ва сифатли бўлиши дефолиациянинг ўз вақтида ўтказилишига боғлиқдир. Бунинг ҳисобга олган мутахассислар бу йил дефолиацияни эрта бошлаб 31 августда тугалладилар. Ҳозир барча бригада далаларида дефолиациянинг сифати текшириб кўрилмақда.

Дефолиациядан олдин гўза қўллатиб сугорилган бўлса ёки аксинча, ерда нам етарли бўлмаса, химикатларнинг таъсири кутилгандай бўлмайди, — дейди колхоз раиси Исмонил Шубаев. — Шунинг учун ҳам дефолиациянинг сифати синчковлик билан текширишмоқда, айрим қаргалар таъриб дефолиация қилишмоқда. Чунки 10 сентябрдан машина терими учун ҳамма нарсаси тахт бўлиши керак. Шу кундан бундан терим агрегатларини пахтазорларга олиб чиқиб, амалий синовдан ўтказмоқчимиз.

Колхоз аъзолари йиллик планни 20 сентябрда, социалистик мажбуриятларнинг эса 1 октябрда бажаришга аҳд қилишган. Механик-ҳайдовчилар ҳар бир машина

билан ўрта ҳисобда 165 тоннадан пахта теришни мўлжалламоқдалар.

Хўжалик маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилоти механик-ҳайдовчиларнинг унумли ва сифатли ишлашларини таъминлаш мақсадида уларга ҳақ тўлашнинг янги тартибни жорий қилмоқдалар. Ҳозир махсус комиссия аъзолари машина теримига мўлжалланган ҳар бир картадаги ҳосил чўгини аниқлаб, қаргалар табақаланимда, Комиссиянинг ҳуқуқсизга қўра хўжалик бухгалтериясида механик-ҳайдовчилар учун қаргалардаги ҳосил чўгини аниқлаб, қаргаларнинг ҳосилдорлигини 45 центнер бўлса, механик-ҳайдовчи бир теримда ҳосилнинг 32 центнерини йиғиштириб олади керак. Шунда ҳар тонна пахта учун 10 сўмдан ҳақ тўланади. Агар механик-ҳайдовчи ўз агрегатини оқилона бошқариб, биринчи теримда 32 центнердан оширса, 15 сўмдан ҳақ олади. Ҳосилдорлик 50 центнер бўлган қаргаларда эса, бир юришда 35 центнердан пахта терган механик-ҳайдовчига ҳар тонна учун 10 сўм, ундан қўн терса, 15 сўмдан иш ҳақи тўланади. Қўннинг турибдики, картадаги ҳосилнинг чўгини қатъий назар, механик-ҳайдовчилар меҳнатларига яраша даромад қилдилар.

«Москва» колхоз меҳнаткашлари буюк Инқилобнинг 60 йиллик шарафига олган юксак социалистик мажбуриятларнинг шарафига билан бажариш учун ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўришган. Бу муҳим кураш йўлидаги асосий масъулиятни дала гвардиячилари ўз зиммаларига олганлар.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус муҳбири.



Ҳосилдорлигини 40 центнерга етказиш учун курашаётган Чиноз районидagi Оқунобоев номи колхоз пахтакорлари дастлабки юз тонна уруғлик пахтани давлат қабул пунктларига етказиб бердилар. Юбилей йилида хўжалигининг 1520 гектар майдонига мўл-ҳосил етиштирилди. Суратларда: (юқорида) колхознинг илгир теримчилари Саодат Хусанова, Майсара Тоғаева, Тута Мамирова, Шоира Бадиева, Мақсуда Эшоваевлар. Пастдаги суратда колхоз «оқ олтин» қарвоналари, (ЎТАҒ).

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ДАҒАЛ ХАШАК ТАЙЕРЛАШ
ВА СИЛОС БОСТИРИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ
5 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Йиллик топириққа нисбатан процент ҳисобида.
[Биринчи устун — бир кунда тайёрланган дағал хашак, иккинчи устун — мавсум бошидан бери, учинчи устун — мавсум бошидан бери тайёрланган ўт, тўртинчи устун — мавсум бошидан бери бостирилган силос].

		107,1	100,4	90,2
Калинин	—	104,9	100,0	90,3
Пискент	—	103,0	100,4	100,1
Юқори Чирчиқ	0,01	102,8	80,0	74,5
Оҳангарон	—	102,0	75,3	48,7
Оржоникидзе	—	101,3	53,2	56,0
Оққўрғон	0,24	101,0	78,5	90,6
Урта Чирчиқ	—	100,4	64,4	69,4
Тошкент	—	100,4	91,0	75,7
Бекнобод	—	100,1	72,1	80,8
Янгийўл	—	100,0	100,5	82,9
Қуйи Чирчиқ	—	100,0	92,4	100,0
Бўёқ	—	98,0	73,3	76,9
Чиноз	0,19	79,5	68,5	81,1
Бўстонлиқ	0,31			
Область бўйича:	0,05	104,7	89,9	85,3

ОБЛАСТЬ
РАЙОНЛАРИДА ГЎЗАНИ
ДЕФОЛИАЦИЯ ҚИЛИШ
ЮЗАСИДАН
5 СЕНТЯБРГАЧА
БЎЛГАН
МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида: биринчи устун — бир кунда, иккинчи устун — мавсум бошидан бери).

		14,6	142,1
Бекнобод	—	8,8	127,5
Пискент	—	6,6	119,5
Қуйи Чирчиқ	—	4,7	117,9
Бўёқ	—	8,8	111,0
Оққўрғон	—	25,3	109,0
Янгийўл	—	6,5	108,0
Қуйи Чирчиқ	—	8,0	106,3
Чиноз	—	12,3	104,0
Область бўйича:	9,5	117,6	

ПАРТИЯ—ХЎЖАЛИК АКТИВИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

ФАРҒОНА, 5 сентябр. (ЎзТАҒ). Бутун бу ерда област партия-хўжалик активининг йиғилиши бўлди. Йиғилиш қатнашчилари табиий офат — Фаргона областа сув тошқини оқибатларини тугатиш тадбирлари қандай бажарилаётганини муҳокама қилдилар. Фаргона областа партия комитетининг биринчи секретари Ф. Ш. Шамситдинов ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари М. Д. Мухомтов шу масала юзасидан ахборот бердилар.

Фаргона ўқувлик комбинатининг директори П. М.

Зайченко, Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиш министри Х. М. Носиров, Ўзбекистон ССР Қурилиш министри С. А. Омеров, Ўзбекистон ССР Гострой раиси П. И. Кавтаров, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министри А. А. Уринбоев, Фаргона ёғ-мой комбинатининг аппаратурчиси Г. А. Бессонова, Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министри Б. Г. Мирзабеков, «Главташкентстрой» бошқарувчиси Т. Набиев план ва социалистик мажбуриятлар қандай бажарилаётганини ҳақида ахборот бердилар.

Сўзга чиққан нотичлар сув тошқинидан кейин ўтган сав нам уч ой мобайнида област партия, совет ва хўжалик органлари, барча меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг жуда катта ёрдами тўғрисида, шунингдек республикадаги барча областлар меҳнаткашларининг қардошларча бегараз кўмаги билан табиий офатдан зарар кўрган халқ хўжалигини тиклаш соҳасида катта иш қилинганлигини таъминладилар.

Йиғилиш қатнашчилари Фаргона областининг меҳнаткашларига жуда катта ёрдам берганликлари учун барча фарғоналиклар номида КПСС ленинчи Марказий Комитетига, шаҳсан Леонид Ильич Брежневга, Совет ҳукуматига самимий миннатдорчилик изҳор этдилар.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сийсий бюроси аъзоллигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Йиғилиш иштирокчилари йиллик билан қабул қилинган қарорда КПСС Марказий Комитети 1977 йил май Пленумининг қарорларидан илҳомланган Фаргона областининг меҳнаткашлари Коммунистик партия билан Совет ҳукуматининг оталарча ғамхўрлигига жавобан халқ хўжалигини тез суръатлар билан тиклаш ва партия XXV съезди қарорларини бажариш, юбилей йили планлари ҳамда социалистик мажбуриятларини амалда катта муваффақиятларга эришадилар, деб ишонтирдилар.

Йиғилиш ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари Т. Н. Осетров иштирок этди.

№ 174 (6035).

6
СЕНТЯБРЬ
СЕШАНБА

1977 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ МОСКВАГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 4 сентябрда Қримдан Москвага қайтиб келди.

Ўртоқ Л. И. Брежневни КПСС Марказий Комитети Сийсий бюросининг аъзолари Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. Н. Кошгин, Ф. Д. Кулаков, М. А. Сулов, Д. Ф. Устинов, КПСС Марказий Комитети Сийсий бюроси аъзоллигига кандидатлар П. Н. Демичев, М. С. Соломенцев, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари

И. В. Капитонов, В. И. Долгих, М. В. Зимлянин, К. У. Черненко, КПСС Марказий Комитетининг аъзолари Л. М. Замятин, Г. С. Павлов, Н. А. Шелюков, КПСС Марказий Комитети аъзоллигига кандидатлар А. М. Афонин, М. П. Георгидзе, С. К. Цангун, КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзолари К. М. Боголюбов, Ю. М. Чурбанов, КПСС Марказий Комитети Ишлар муҳрирининг ўринбосари А. М. Могилов, СССР Олий Совети Президиуми секретариатининг бошлиғи В. И. Васильев, темир

йўл министрининг биринчи ўринбосари Н. А. Гундобин кутиб олдилар.

Ўртоқ Л. И. Брежнев Симферополдан жўнаб кетган вақтда уни КПСС Марказий Комитети Сийсий бюросининг аъзоси К. Т. Мазуров, КПСС Марказий Комитети Сийсий бюроси аъзоллигига кандидат Б. Н. Пономарев, Қрим област партия комитетининг биринчи секретари В. С. Макаренко, Қрим област ижроия комитетининг раиси Т. Н. Чесодуров, област партия комитети бюросининг аъзолари кузатиб қолдилар.

ТОШКЕНТ—ИВАНОВО МЕХНАТ МУСОБАҚАСИ ДАВОМ ЭТАДИ

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ АПРИМ ТАРМОҚЛАРИНИНГ
1977 ЙИЛ ЯНВАРЬ-ИЮЛЬ ОЙЛАРИДАГИ
ИШ ЯКУНЛАРИ

САНОАТ	Тошкент	Иваново
Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши процент ҳисобида	106,2	101,9
Реализация планининг бажарилиши процент ҳисобида	103,1	101,1
Пландагига қўшимча реализация—миллион сўмлик	83,3	43,6
Реализация планини бажармаган қорхоналар сони	14	49
Жами қорхоналар сонига нисбатан процент ҳисобида	3,6	16,2
Саноат-ишлаб чиқариш ходимларининг ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан ўзгариши процент ҳисобида	101,1	99,7
Меҳнат унумдорлигини ошириш планининг бажарилиши процент ҳисобида	103,1	101,1
Меҳнат унумдорлигининг ўсиши процент ҳисобида	105,2	102,1
Меҳнат унумдорлигини ошириш планини бажармаган қорхоналар сони	51	69
Жами қорхоналар сонига нисбатан процент ҳисобида	13,4	22,8
Барча турдаги қалава ишлаб чиқариш — минг тонна	7,5	193,8
Шу жумладан пландагига қўшимча	—	—
Қалава ишлаб чиқариш планининг бажарилиши	95,6	99,6
Барча турдаги газлама ишлаб чиқариш — миллион погон метр	111,2	1317,8
Шу жумладан пландагига қўшимча	—	—
Газлама ишлаб чиқариш планининг бажарилиши	96,0	99,6

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ
1 августга барча категориядаги хўжаликларда асосий қорва маҳсулотлари харид қилиш планининг бажарилиши процент ҳисобида қорамол ва парранда

сўт	69,3	47
тухум	72,9	74
1977 йилнинг январь-июлида	65,3	84
колхоз ва совхозларда қорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қорамолларнинг маҳсулдорлиги		
Тирик вазнда гўштга топирилган асосий турдаги қорамол ва парранда — минг тонна	19,4	279,9
1977 йилнинг январь-июлида 1976 йилнинг январь-июлига нисбатан процент ҳисобида	100,4	100,2
Янги сўт соғиб олиш — минг тонна	79,0	235,9
1977 йилнинг январь-июлида 1976 йилнинг январь-июлига нисбатан процент ҳисобида	106,4	119
Товуқ тухуми етиштириш — миллион дон	138,9	172,0
1977 йилнинг январь-июлида 1976 йилнинг январь-июлига нисбатан процент ҳисобида	137,1	123
Ҳар беш сигирдан соғиб олинган ўртача сўт миқдори — килограмм	1910	1526
1977 йилнинг январь-июлида 1976 йилнинг январь-июлига нисбатан процент ҳисобида	104,2	114,0
Товуқларнинг ўртача тухумдорлиги — дон	110	133
1977 йилнинг январь-июлида 1976 йилнинг январь-июлига нисбатан процент ҳисобида	104,8	94

КАПИТАЛ ҚУРИЛИШИ
(марказлашган капитал маблағлар ҳисобида амалга оширилгани)

Капитал маблағ сарфлаш планининг бажарилиши	91	85
Қурилиш-монтаж ишлари	98	86
Турар-жой қурилишига сарфланган капитал маблағ	87	87

САВДО
Давлат ва кооператив савдоси товар обороти планининг бажарилиши процент ҳисобида.

Жами умумий оқватланши ҳақида	100,8	98,7
Чакана савдо товар обороти	100,7	98,5
Умумий оқватланши товар обороти	101,5	100,7


АҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ
Маиший хизмат кўрсатиш ҳажми процент ҳисобида

	100,9	100,0
--	-------	-------

ПАХТАЗОР ХАБАРЛАРИ
ПИСКЕНТ. «Гулистон» колхозининг Ленин ордени кавалери Фикри Бадалов этакчиллик қилаётган бригада аъзолари пахта йиғим-терими мавсумини уюшқонлик билан бошлаб юбордилар. Бригаданнинг В. Азизова, Л. Мустафоева, А. Қурбанова каби чевар теримчилари дастлабки кунлардаёқ кундалиш нормани ошириб бажаришга эриштилди. Бу кўп минг-килограммчи теримчилар мавсумда 10—12 тоннадан «оқ олтин» териб бериш мажбуриятини олишган. Терим агрегатлари ҳам мавсумга шай турипти. «Зангори кема» капитанларидан Н. Хайдаров, И. Сарнобоев, Т. Қурбановлар юбилей йилида камда эл хирмонига 150—200 тоннадан дурдона тўкишга қатъий аҳд қилишган.

Бу бригада билан мусобақадалик меҳнат қилаётган Абдулхамид Назарулов бошлиқ бригада аъзолари ҳам эллик центнерлик мардан қўлаб туришди. В. Азаматов, М. Усмонова, М. Назархўжаевлар ҳар кун барака хирмонига 80—100 килограммдан дурдона тўкишди. Мусобақадорлар колхознинг 3600 тонналик хирмонига баракали ҳисса қўшадилар. О. ИZZАТУЛЛАЕВ, Р. ЭШОНҚУЛОВ.

УРТА ЧИРЧИҚ. Ҳар гектар майдондан 50 центнердан хирмон кўтаришни мўлжаллаб меҳнат қилаётган Свердлов номи колхозининг Саидамин Хўжаев бошлиқ бригада заршунослари мажбуриятга яраша ҳосил тўладилар. Катта майдондаги гўзалар машина теримига мос қилиб ўстирилди. Бунда бригада меҳнаткорлари Ашир Қўлоқовнинг ҳиссаси катта. Меҳнатсевар меҳнаткор эли «зангори кема» рулини бошқаради. Ҳозир далада дала қўл терими уюшқонлик билан олиб борилаётган. Кўп минг килограммчилардан С. Исмаиловлар, Х. Ҳасанова, Х. Исабобовлар ҳам халқ хўжалигига намуна кўрсатиб, кунига 100 килограммга етказиб пахта теришди. Б. БАҲРОМОВ.



Г 1969